

Балки бундан бошқа нарса ҳам сўрарсан?

08:10 / 06.02.2018 3249

Абу Фирос Рабийъа ибн Каъб ал-Асламий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

(Бу киши Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ходимлари ҳамда аҳли суффалардан эдилар.)

«Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга тунни ўтказиб, у зотнинг таҳорат ва бошқа эҳтиёжларига сув тутардим. Бир куни у зот: «**Мендан (хизматинг эвазига бирор нарса) сўра?**» дедилар. Мен: «Сиз билан жаннатда ҳамроҳ бўлсам», дедим. «**Балки бундан бошқа нарса ҳам сўрарсан?**» дедилар. Мен: «Ўшанинг ўзини сўрайман», дедим. У зот: «**Ундоқ бўлса, саждани кўпайтириш билан ўзингга мени ёрдамчи қил**», дедилар (яъни, сендан намоз, мenden дуо бўлиб турса, иншааллоҳ, мақсадингга етишасан)».

Имом Муслим ривоятлари.